



Tadqiqot.uz


ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЬАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
5 - МАХСУС СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 5**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
SPECIAL ISSUE - 5**



ТОШКЕНТ-2020

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

1. Tagaeva Sayyora Ulashevna SHE'RIYATDA ONA VASFI (NEMIS VA O'ZBEK SHOIRLARI SHE'RLARI MISOLIDA).....	6
2. Раҳмонова Хуршида Халиловна ҚИССА ЖАНРИДА РАМЗИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАТЛАМ ТАБИАТИ (Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Хижроним мингдир менинг” қиссаси мисолида).....	11
3. Назарова Дилдора Илхомовна ЖАМОЛ КАМОЛ МУХАММАСЛАРДА УСЛУБ ВА ТАСВИР.....	19
4. Тўмарис Бутунбаева АЪЗАМ ЎКТАМ ВА МИНҲОЖИДДИН МИРЗО ШЕҶРИЯТИДАГИ ЎХШАТИШЛАР.....	25
5. Комилова Шахноза Турабуддиновна ХИТОЙЛИК ДАРМАТУРГ СЯ ЯННИНГ “ШАНҲАЙ ТОМЛАРИ ОСТИДА” ДРАМАСИДА ДАВР МАНЗАРИСИ.....	29
6. Эшанова Зилола Қўчқаровна АЛИШЕР НАВОЙЙ ИЖОДИДАГИ МУНОЖОТ-ҒАЗАЛЛАР ПОЭТИКАСИ.....	35
7. Мухиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович НАВОЙЙ АСАРЛАРИДАГИ АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
8. Джалилова Зарнигор Баходировна ИНГЛИЗ ШЕҶРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....	48
9. Қаюмов Нодир Найимович РЎДАКИЙ ВА БАШШОР МАРҒАЗИЙ ПОЭЗИЯСИДА ТАШХИС САНЪАТИНИНГ ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТАРИ.....	54
10. Жаксымова Урзия Жумабаевна «ЖАҲОНША» ДОСТОНИДА ИЛМ ЎРГАНИШ ФАЗИЛАТИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	59
Лингводидактика	
11. Сирожиддин Хўжакулов XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА МУСАДДАС ЖАНРИ ВА УНИНГ ЭВРИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	64
12. Surmanov Sardor, Ametova Oyshajon IMPROVING LEARNERS READING SKILL WITH THE USE OF GRADED READERS.....	70
13. Xaitbayeva Nazokat Adilbek qizi TA'LIM JARAYONIDA PSIXOLINGVISTIK YONDASHUV.....	74
14. Noila Mustafoeva Ishnazarovna YURIST TALABALARGA RASMIY HUJJATLAR BILAN ISHLASHDA YOZUV КОМПЕТЕНСИЯСИНИ ТАКОМILLAШТИРИШ ТАЖРИБАЛАРИНИ О'РГАНИШ.....	80
15. Zaure Kertaeva Saparaliquizi DEVELOPING STUDENTS'INTERACTIONAL COMPETENCE IN ENGLISH CLASSROOMS.....	84

СҮЗ САНЬАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Рахмонова Хуршида Халиловна
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети
мустакил тадқиқотчиси, ўзбек
филология факультети ўқитувчisi
Email: xurshida.xalilovna@gmail.com

ҚИССА ЖАНРИДА РАМЗИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАТЛАМ ТАБИАТИ
(Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним мингдир менинг” қиссаси мисолида)



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-2>

АННОТАЦИЯ

Бугунги кун қиссаларида инсон образи янгича ёндашув асосида ифодаланмоқда. Қаҳрамоннинг ботиний олами ва қалб жумбокларини тасвирлаш, чуқур таҳлил қилиш асар марказида туради. Қаҳрамон ўз-ўзини тафтиш килади, ўз кўнглига қамалиб олиб, тафаккурга, хаёлларга эрк беради. Ана шундай асарлардан бири Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ҳижроним мингдир менинг” деб номланган қиссасидир. Мақолада ушбу қисса образлар бадиияти, поэтик тимсоллар, рамзлар асосида таҳлил қилинган. Асарда инсон қалби, кўнгли, инсоний ва илохий муҳаббат туйғулари ёзувчининг ғояларини ифодалашга хизмат қилган. Бадиий таҳлилда қаҳрамон психологиясини очишда пейзаж тасвири, портрет, оқ ранг, туш каби психологик воситалардан фойдаланилди. Бундай психологик воситалар инсон руҳиятини чуқур ва нозик ёритишда, воқеалар силсиласини ривожлантиришга хизмат қилган.

Калит сўзлар: ноанъанавий қисса, инсон кўнгли, мактуб, хотиралар оқими, ички монолог, сюжет чизиги, адабий-фалсафий мушоҳада, метафорик ўхшатишлар, пейзаж, туш тасвири, муаллиф нутқи.

Рахмонова Хуршида Халиловна

Самостоятельный исследователь, преподаватель
университета узбекского языка
и литературы имени Алишера Навои
Email: xurshida.xalilovna@gmail.com

ПРИРОДА СИМВОЛИКО-ФИЛОСОВСКОГО СЛОЯ В ЖАНРЕ ПОВЕСТИ
(на примере повести Хуршида Дустмуҳаммада "Мои тысячи разлук")

АННОТАЦИЯ

В современных рассказах человеческий образ выражается на основе нового подхода. Изображение внутреннего мира героя и загадок сердца, глубокий анализ находится в центре работы. Главный герой исследует себя, замыкается в своем сердце и дает волю мысли и

воображению. Одно из таких произведений – рассказ Хуршида Дустмухаммада под названием «Хиджраним мингдир менин». В статье анализируется этот рассказ на основе образов, поэтических эмблем, символов. В пьесе человеческое сердце, душа, человеческие и божественные чувства любви служили выражением идей писателя. В художественном анализе использовались психологические инструменты, такие как пейзажные образы, портрет, белый цвет, сон, чтобы раскрыть психологию главного героя. Такие психологические инструменты служили для развития серии событий в глубоком и тонком освещении человеческой психики.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: нетрадиционное повествование, человеческое сердце, письмо, поток воспоминаний, внутренний монолог, сюжетная линия, литературно-философский дискурс, метафорические аналогии, пейзаж, авторская речь.

Rahmonova Khurshida Khalilovna

Researcher of the University of
Tashkent State Uzbek language and
literature named after Alisher Navoi,
teacher of the faculty of Uzbek Philology.
Email: xurshida.xalilovna@gmail.com

THE CHARACTER OF SYMBOLIC-PHILOSOPHICAL LAYER IN THE GENRE OF STORY (ON THE BASES OF THE STORY "MY GREAT SEPARATION" BY KHURSHID DUSTMUHAMMAD).

ANNOTATION

In today's stories, the image of man is expressed on the basis of a new approach. Depicting the hero's Botanic world and soul puzzles, in-depth analysis stands at the center of the work. The hero makes a self-inspection, confines himself, gives freedom to thinking, imagination. One of such works is the story of Khurshid Dostmuhammad called "hijra is a thousand mine". In the article, these narratives are analyzed on the basis of artistry, poetic symbols, symbols. In the work, the human heart, soul, feelings of human and divine Love served to express the writer's ideas. In artistic analysis, psychological tools such as landscape painting, Portrait, white color, Dream were used in the opening of the psychology of the hero. Such psychological tools served in the deep and subtle coverage of the human psyche, the development of sets of events.

Key words: unconventional narration, human imagination, letter, flow of memories, internal monologue, plot line, literature-philosophical observation, metaphorical analogy, landscape, author's speech.

Қисса жанри ўзбек адабиётида узок тарихий босқичларни босиб ўтиб, тобора ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Хусусан, XXI аср қиссаларида ёзувчининг янгиланаётган услуби, адабий-эстетик қарашлари, поэтик тили, рамзлар орқали адабий-фалсафий мушоҳадаси такомиллашиб бормоқда. Ана шундай ўзига хос услугга эга ёзувчилардан бири Хуршид Дўстмуҳаммаддир.

Истъедодли адабнинг “Уч кўшик” деб номланган қиссаси ноанъанавий услубда ёзилган бўлиб, уч кисмдан иборат. Биринчи кўшик “Хижроним мингдир менинг”, иккинчи кўшик “Мен – сенсиз, сен - менсиз”, учинчи кўшик “Гўё рўё” деб номланади. Ёзувчи бу қиссаларни ёзишда ҳам шаклий, ҳам мазмуний, ҳам услубий янгиликла интилган. Қиссаларнинг ҳар бири ўзига хос бадиий қурилмага эга. Асарда анъанавий қиссаларда мавжуд бўладиган аниқ бир сюжет чизиги йўқ. “Хижроним мингдир менинг” қиссаси ошиқ йигит ва маъшуқанинг мактублари, хотиралар асосига қурилган. Инсон кўнглидаги покиза туйғуларни, унинг нозикликларини тўлалигича очиб беришга уриниш яққол қўзга ташланади. Қаҳрамон кўнглида кечаетган кечмишлар, изтироблар, дардлар мактуб шаклида фалсафий мулоҳазалар орқали баён қилинган. Қиссанинг сюжети ҳам, композицияси ҳам туйғулар оқими асосида ривожланиб боради.

Хуршид Дўстмуҳаммад ушбу асарида инсон кўнглини, унинг муҳаббатга тўла туйғуларини биринчи ўринга қўяди ва инсон қалбидаги поклик, самимилик, ўзаро меҳр унинг тафаккурини белгилайди, қалбдаги гўзаллик ҳақиқий гўзалликдир, деган шарқона хulosани асар моҳиятига сингдиради. Қалб, юрак – инсоннинг ҳақиқий инсонийлигини, одамийлигини кўрсатиб берувчи асосий тушунчадир. Асарда воқелик ҳам қалбдаги хистуғу, кечинмалар, хотиралар орқали бизга намоён бўлади. Қиссадаги ошиқ йигит дунёни фақат гўзалликларда, оқ рангларда ва оқликдан тараляётган нурда, инсонларнинг ўзаро бирбирига бўлган меҳр-муҳаббатида кўради. Дунёга шоирона нигоҳ билан боқади. Адид китобхонларни ташки оламдан узиб олиб, кўнгил деган беадад маконга олиб киради ва кўнгилнинг турфа жилоларини, соғинчнинг аламларини, муҳаббатнинг чексиз изтиробларини ҳис қилишни, тушунишни китобхоннинг ҳукмига ҳавола қиласди.

Қиссада инсоннинг қалби бевосита бадиий ижод майдони, бадиий таҳлил майдони вазифасини ўтаган. Қалб эса ўз навбатида туйғуларда намоён бўлади. Туйғулар эса хат орқали изҳор қилинади. “Хат кўнгил кўприги, бу кўприк икки киши учун бунёд этилади, унга шу икки кишидан бўлак ҳеч ким қадам босмайди ва унга бегона назар ҳам тушмаслиги керак. Чунки икки кўнгил тўридаги энг бокира, энг эрка орзу-армонлар ушбу кўприк – мактуб воситасида йўлланади”. Хат нафақат кўнгил изҳори, балки ўзининг туйғуларини, муҳаббатини ёт, бегона кўзлардан, бегона назарлардан ҳимоялашнинг воситаси ҳамдир. Рассом йигит қизга шу даражада кўнгил кўядики, унинг хар харакатида, ҳатто сукутида ҳам ўз идеалини кўради. “Айни сухбатга қўшилишингиз мумкин бўлган дамларда ҳам сукут сақлар эдингиз, шундай пайтда аслзода оилада тарбия кўрган кибор қизлардан бўлса-я деган ўйлар кечар эди хаёлимдан”. Қаранг, ёзувчи тасвирида ҳам метафорик ўхшатишлардан ўринли фойдаланган. Бу эса матнинг руҳий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Яъни, қизнинг аҳён-аҳёнда бир кулиб, яна ўша заҳоти жиддий тортиши – ярқ этиб ёниб ўчган чироққа ўхшатиляпти. Адид яна маъшуқанинг ёки қизнинг юзи “дуру жавоҳирларнинг асили”, “илоҳий ҳирқат”, “чехрасидан оппоқ нур таралади” деб тасвирлайди. Айниқса, қиссада кўп ўринларда оқ рангга, оқликка ва ундан тараляётган нурга алоҳида эътибор қаратади. Мактублардан бирига эътиборимизни қаратамиз. “Чехрангиздан тараалган ойдек нур асирига айландим. Бундайин нурни авайламоқ, қадрламоқ учун эса ўзим бениҳоя покиза, бегубор бўлмоғим шарт, деган қарорга келдим”. Ёки яна бир ўринда “Жозиб нурлар илоҳ назари тушган жисмда жамланади, зеро, оқ-оппоқ нурда фаришталар гўзаллиги мужассам топади. Қалби чароғон ва гўзal инсонларгина ушбу илоҳий нурни аъзои баданларига жо этадилар, шу тариқа мўъжизаларга қодир нур тоза қалб соҳиблари бўлмиш заминий хилқатларнинг муборак баданларида акс этади”. Ошиқ йигит илоҳий нурни, фаришталик тимсолини, зоҳирий ва ботиний гўзалликни маъшуқада кўради. Шу сабабли ўзим ҳам қалбан покланмоғим шарт, деб хисоблайди ва шовқинли шаҳардан тогу тошларга чиқиб кетади. Маъшуқанинг ҳам ўз навбатида, ошиқка нисбатан меҳри, муҳаббати, ундаги фазилатларни қадрлай олиши покиза туйғулар асосига йўғрилган. Ердаги муҳаббат самовий муҳаббатга айланган. Ёзувчи ушбу қиссада инсон кўнглини, соғинчни, хижронни қашф этишга уринган. Ундаги қаҳрамонлар ёзувчининг эстетик идеалини ифодалаб беради. Бани башар қиссадаги рассом йигит ва қиздек самими туйғуларга эга бўлса, бир-бирини тушунса, қадрлай билса ҳаёт бунчалар мураккаб, яшаш бунчалар қийин бўлмасди, деган концепсияни илгари суради. Бу эса ўз навбатида рус ёзувчиси Фёдор Достаевскийнинг “Гўзаллик дунёни кутқаради” машҳур ибораси замиридаги меҳр туйғусини эсга солади. Услуби ҳам “Камбағаллар” номли романинига ҳамоҳангидир.

Лекин, Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг услубига, ўзининг йўналишига эга ёзувчилардан бири. Ёзувчи қаҳрамон психологиясини ифодалашда пейзаж тасвири, портрет, оқ ранг воситаларидан қоришиқ ҳолда фойдаланган. “Тасвирий адабиётдаги табиат манзаралари пейзаж, деб юритилади. Табиат манзараси тасвиридан турли хил мақсад кузатилади. У гоҳ воқеа содир бўлган фаслни билдиради, гоҳ қаҳрамонлар кайфиятини очишга ёрдам беради, гоҳ асар воқеаларини бир-бири билан боғлаш вазифасини ўтайди”. Адид қиссасида пейзаж қаҳрамон кайфиятини ифодалашга хизмат қилган. Тогу тошларга

кетиб қолган йигит қамишзорга бориб қолади. “... Ёруг дунёда мен кўрмаган-билмаган нарса йўғу, қадам босмаганим қамишзор қолгандек қадам-бақадам олдинга силжийвердим. Шунда туйқус оёғим остига қарадиму... қисгос очилган тутмача гулларни кўрдим!.. Инсон назари тушмаган қамишлар орасидаги фира-ширада тутмача гуллар шу қадар оқ эдики!.. Уларнинг оқлигини тасаввур қилиш ва тасвирилаш учун “оқ” сўзи ожизлик қиласди!.. Қорга ўхшатайми, музга, пахта ё сутга қиёслайми?... Йўқ, буларнинг хеч бирига ўхшамаган оқ-оппоқ гул япроқчалари!.. Беш япроқли, уч япроқли, капалак қанотидан-да нозик. Киприкларнинг учи сийпаси озор етгудай!.. Банди киприк толасидан-да нафис... ”. Бундай гўзалликларни, тутмача гулнинг оқлигини, нағислигини билиш, илғаш учун инсонда нозик дид, тоза қалб, тафаккур, шоирона нигоҳ керак бўлади. Гулнинг оқлигини тасаввур қилиш ва тасвирилаш учун дунёдаги оқ сўзи ҳам, дунёдаги барча оқ рангдаги ҳодисалар: қор, муз, сутга қиёслайди. Аммо тасвирида ўхшатиш ёзувчининг кўнглидагидек оқликни, ойдинликни тасвирилаб беришга ожизлик қиласди. Ёзувчини гулларни оқ рангда тасвирилаши қониқтирумайди. Энди бу гулларнинг гўзалликларини ифодалаш учун нурга мурожаат қиласди. “Митти япроқчаларнинг ранги шу қадар тиникки, ундан сачраган нур толаси тўппа-тўғри юзингизни ёритиб юборади”. Бу ерда оқ ранг, ундан тараалаётган нур эзгулик, поклик, меҳр, хижрон рамзи бўлиб келяпти. Дунёни факат оқ рангларда, яъни эзгуликдан иборат ҳолда кўришни истаган ёзувчи оқ рангда мавжуд бўлган рамзий маъноларни кашф эта бошлайди.

“Хаёт ва хаёл йўлларида ” деб номланган телекўрсатувда ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад “Агар кўнгил расмини чизиш керак бўлса, ўзи, аслида, кўнгилнинг расми йўқ. Мободо, унинг расмини чизиш керак бўлса, у нурдан иборат бўлади. Кўзни оладиган нур эмас, майнин, мулойим нурдан иборат бўларди. Кўнгилнинг марказида нур туради”, - деган эди. Демак, бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёзувчи нима учун нур образига тез-тез мурожаат қилгани аён бўлади. Яъни ёзувчи майнин, мулойим нурни, ёргуликни кўнгилнинг асосий марказида турувчи унсур деб, билади. Демак, ёзувчи назарида кўнгил нурдан иборат экан, кўнгил майли, кўнгил меҳри тушган маъшука ҳам нурли бўлиши, табиий. Ёки ошик кўнглининг нури маъшука чехрасига тушар, эҳтимол.

Умуман олганда, Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида ранглар алоҳида рамзий маъно ташийди. Айникса, оқ ва қора ранглар. Қора ранг “Сўрок” қиссасининг бадиий ғоясини ифодалашга хизмат қилган бўлса, оқ ранг эса “Хижроним мингdir менинг” қиссасида маълум бир рамзий маънолар ташийди. Умуман, ранглардаги маъно ҳақида фикр билдириган адабиётшунос Иброҳим Ҳаккул шундай дейди: “Ранглар у ёки бу ҳалқнинг уни куршаб олган олам, ижтимоий-маданий ҳаёт, урф-одат, маросим, адабиёт ва санъатга доир қадимий қарашлари билангина эмас, балки космогоник, мифологик, диний-илоҳий тушунча ва тасаввурлар билан ҳам боғланиб кетади. Шунингдек, одамларнинг дунёқараши, яшаш шароитлари, диний ҳаёт йўлларининг ўзгариши билан рангларга муносабат, кўзланган мақсадлар ҳам ўзгариб, баъзан бутунлай янгиланиб борган”. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, ранглар космогоник, мифологик, илоҳий тушунчалар билан боғлик экан, улар ифодалаган тушунчалар ҳам илоҳийлик касб этади.

Олим таъкидлаганидек, ҳар бир ҳалқ ёки элатнинг туриш-турмуши, урф-одати, дунёқараши ўзига хос, улар узок даврлар мобайнида шаклланган. Бу нарса ҳатто рангга бўлган муносабатда ҳам намоён бўлади. Масалан, биз ўзбекларда оқ ранг эзгулик, поклик, софлик белгиси ҳисобланади. Бошқа миллатлар эса унга бошқачароқ баҳо бериши мумкин. Бу эса ҳар бир ҳалқнинг менталитети, дунёқараши билан боғлик. Ўтмишда асир тушган ёки енгилган қўшин оқ байроқ кўтарган. Оқ сулҳарвар элчилар ва бетараф томонларнинг ранги ҳисобланган. Япония, Хиндистон, Хитойда эса бу ранг мотам ранги ҳисобланган. Адид Хуршид Дўстмуҳаммад эса, “оқ рангни қора ранг билан солиштирганда, оқ рангда кувноқлик, шўхчанлк, хушчакчалик бор”, - деган эди. Лекин адабнинг ушбу қиссасида оқ ранг кувноқлик маъносидан кўра, кўпроқ эзгулик, меҳр-муҳаббат, дунёдаги барча одамларга меҳр кўзи билан қарай олиш маъноларига яқинроқ тушунчани ифодалаган. Балки, шунинг учун адид пейзажда ҳам, қаҳрамонлар портрети

тасвирида ҳам оқ рангга қайта-қайта мурожаат қиласи. “Суратингизни чизганман: оч кўкиш куйлақдасиз, оппоқ гуллари бор, қуюқ сочингиз елкангиз узра ёйилган, нафисига балдоғингизда яногингиздан таралган нур акс этяпти”. Ошиқ йигит маъшуқасини расмини чизади. Унга термулиб туриб, узоқ-узоқ сұхбат қуради. Бу ҳам ўз навбатида қаҳрамоннинг кечинмаларини ифодадашга ёрдам беради. Йигит хаёллар оламида яшайди. Хаёллар эса чекчегара билмайди. Дунёни оқ рангларда кўриш, хис қилиш аста-секин тафаккурга кўча бошлайди. Хаёлот оламида ҳам, реал ҳаётда ҳам тафаккур ҳис-туйғудан кўра ўзининг залворли юки билан инсонни ҳамиша ўлашга, фикрлашга мажбур қиласи.

“Тушуниш азоб... Инсон чукурроқ, нозикроқ тушунгани, хис қилгани сайин азоби чукурлашверади, изтироб ўтида кўпроқ куяверади. Ўйлаб қоламан: бундай ҳолатларда тушунмаслик, хиссизлик баҳт эмасмикан?..” Яна қаҳрамон хотираларидағи воқеа-ходисаларни тафаккур ва кўнгил туйғулари билан қоришик ҳолда таҳлил қила бошлайди. Ошиқ йигит маъшуқага ёзган хатларининг бирида ўн уч ёшли ўспирин бола ҳақидаги хикояни айтиб беради. Кўча чангитиб, тўп қувиб юрган ўн уч ёшли болакай бирдан ён дафттар тута бошлайди. Кунлик воқеаларини, еган овқатини, тушларини, онасининг танбехларини, күшларнинг сайрашларини, қўшни синфдаги қизнинг юриш-туришини ёзиб боришга одатланади. Китоб ўқишига ҳаваси орта бошлайди. Одамларнинг бир-биридан ажойиблигини мурғак нигоҳи орқали кашф эта бошлайди. Ўзига қўшни синфдаги қизнинг нигоҳи билан қарай бошлаганини ҳатто ўзи ҳам сезмай қолипти. Кунларнинг бирида ўспирин бола хотира дафтарини йўқотиб кўяди. Ҳарчанд изламасин, уни топа олмайди. Бир куни овқатдан сўнг отасининг сўзи билан ҳамма хонтахта атрофида ўтиришди. Бирдан катта акасининг қўлида йўқолган ён дафтарча пайдо бўлди ва у ўқий бошлади. “Катта танаффус... звонок чалинди... Классдан шошиб чиқдим, карасам...” Ҳаҳ-ҳа-ҳа”. Кундаликнинг давоми ҳам ўқиласи. Ҳамма устидан кулади. Ёзганлари, туйғулари мазах қилинган бола ўзини бамисоли оёқлар остида мажақланиб эзилган майсадек хис қиласи. Юғуриб қоп-коронғу кўчага чиқиб кетган бола аламдан кўзлари жикқа ёшга тўлади. Воқелик шу жойига келганда тугаб қолади. Муаллиф бу ҳодисадан хулосани китобхоннинг хукмига ҳавола қиласи. Зийрак китобхон эса боланинг мурғак қалбини, болалик ҳавасини, самимий туйғуларини синдирган одамларни меҳрсизликда айблайди. Ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрларни тушунгандек бўлади. Бу ҳикоя қаҳрамоннинг нафакат ўша пайтдаги кайфиятини, балки даврнинг ижтимоий мазмунини, яъни шу даврда яшаётган одамларнинг тобора меҳрсизроқ бўлиб бораётганлигини ифодалашга хизмат қилган.

Ошиқ рассом эса яна хаёлларига эрк беради. Хаёллар эса тин олмайди. Бутун борлиқни, коинотни кезиб чиқади. Рассаом йигит эса энди соғинчнинг дақиқаларини кашф қила бошлайди. “Соғинчнинг изтиробли дақиқаларида бир кашфиёт килдим: соғинч лаҳзаларини бани башар кўниккан вақт ўлчови билан ўлчаб бўлмайди. Зеро, соғинчнинг ҳар лаҳзасида юзлаб кунларга татигулик азоб-уқубатлар мужассам топади. Ичингизда бўла туриб соғинаман, Сизни ичимда жо қилиб қўйиб – излайман...” яна бир ўринда “Соғинч азоб, изтироб, армон, аммо борлиги барibir яхши...”, “соғинч ҳам беадад макон”. Аслида, бадиий тафаккур, унинг маҳсули бўлган бадиий асар қолипларга сифмайди, чек-чегара билмайди. Лекин, биз шартли равишда мазкур киссадаги қаҳрамонлар табиатини, соғинчнинг изтиробларини информатиеанинг тармокланиш чизмаларида ифодалашга ҳаракат қилиб кўрдик.

